

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 4



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


| | |
|--|-----|
| 1.Доно Зияева XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ..... | 4 |
| 2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ..... | 10 |
| 3.Муродилла Ҳайдаров ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ..... | 19 |
| 4.Гулнора Гулямова XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ..... | 28 |
| 5.Арслон Нафасов ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ..... | 36 |
| 6.Ойбек Остонов ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ)..... | 44 |
| 7.Умиджон Усаров XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ..... | 60 |
| 8.Зиёдулла Холбоев ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА..... | 71 |
| 9.Davlatbek Qudratov ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ ASRAВ-AVAYLASH YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNІ..... | 83 |
| 10.Гўзал Раззоқова ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ..... | 89 |
| 11.Дилшода Рўзиева ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА..... | 96 |
| 12.Сафарали Қўшоқов ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ..... | 104 |

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Муродилла Хайдаров Махмудалиевич,
Тарих фанлари доктори, доцент,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети
olmos1972@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

For citation: Murodulla Haydarov Mahmudalievich, REFLECTION OF THE FOUNDATIONS OF THE SOVIET MANAGEMENT SYSTEM IN THE CONSTITUTIONS OF THE USSR OF UZBEKISTAN AND ITS ESSENCE. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 19-27

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-3>

АННОТАЦИЯ

Туркистон ўлкаси зиёлилар ҳамда аҳолининг турли қатламларининг, шунингдек маҳаллий аҳолининг октябрь тўнтаришига бўлган муносабати таҳлил этилган. Ушбу мақолада Ўзбекистон ССРнинг биринчи Конституцияси (1927 йил) ва СССРнинг социализм Конституция (1936 йил) асосида Ўзбекистон ССРнинг Конституциясини қабул қилиниши ва моҳияти очиқ берилган. Шунингдек, конституцияларда акс этган давлат бошқарув тизими, давлат қурилиши, ҳокимиятчилик, ижроия ҳокимияти ҳамда қонун ишлаб чиқариш ва қабул қилиш каби конституция қоидалари баён этилган.

Калит сўзлар: революция, резолюция, автономия, иттифоқдош республика, статус, суверен, қурултой, социализм, президиум, округ, декларатив.

Муродилла Хайдаров Махмудалиевич,
доктор исторических наук,
доцент Национальный Университет
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
olmos1972@mail.ru

ОТРАЖЕНИЕ ОСНОВ СОВЕТСКОЙ СИСТЕМЫ ПРАВЛЕНИЯ И ЕЕ СУЩНОСТИ В КОНСТИТУЦИЯХ УЗБЕКСКОЙ ССР

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализировано отношение интеллигенции и различных слоёв населения Туркестанского края к октябрьскому перевороту. А также раскрыты причины пассивного участия местных населений Туркестана в октябрьских событиях. Широко освещены первая Конституция Узбекской ССР (1927), принятие и сущность Конституции Узбекской ССР, принятой на основе Конституция СССР (1936). Также раскрыты отражённые в конституциях система государственного управления, государственность, исполнительная власть, разработка и принятие законов.

Ключевые слова: революция, резолюция, автономия, союзная республика, статус, суверенность, съезд, социализм, президиум, округ декларативный.

Murodulla Haydarov Mahmudalievich,
Doctor of historical sciences, associate professor,
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek
olmos1972@mail.ru

REFLECTION OF THE FOUNDATIONS OF THE SOVIET MANAGEMENT SYSTEM IN THE CONSTITUTIONS OF THE USSR OF UZBEKISTAN AND ITS ESSENCE

ABSTRACT

The attitude of the intellectuals of the Turkistan region and various layer of the population towards the October coup was analyzed in this article. In this article, on the basis of the first costume of the USSR (1927 year) and the Constitution of socialism of the USSR(1936 year), the adoption and essence of the Constitution of the USSR of Uzbekistan is revealed. In addition, the constitutional rules, such as the state management system reflected in the constitutions, the construction of the state, the governorship, the executive governorship, the production and adoption of the law, and the right to vote, are laid down.

Index Terms: revolution, resolution, autonomy, allied republic, status, sovereign, socialism, presidium, district, declarative.

1. Долзарблиги:

Россия империясининг марказий ҳудудларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар ва октябрь тўнтаришининг амалга оширилиши Туркистон ўлкасига ҳам катта таъсир ўтказди. Ўлкада зиёлилар ҳамда аҳолининг турли қатламлари, айниқса маҳаллий аҳолининг октябрь тўнтаришига нисбатан хайрихоҳ бўлмадилар. Бундан ташқари бошқарув тизимидан маҳаллий аҳолини четлаштирилиши вазиятни янада оғирлаштирилди. Ўлкани советлаштиришнинг таркибий қисмларидан бири янги тузумни қонунийлаштиришдан иборат бўлди. Советлаштириш асосида Туркистон ўлкаси яна қайтадан Марказнинг қарам минтақасига айланди. Шунингдек, Туркистон ўлкаси, кейинроқ Ўзбекистон ССРнинг қабул қилинган Низом ва Конституциялари совет андозасида бўлиб, минтақанинг РСФСР ва СССР таркибидан

эканлиги қонунийлаштирилди. 1918 йил 20 апрел-1 майда Тошкентда Туркистон ишчи, солдат, мусулмон ва деҳқонларнинг V ўлка съезди қабул қилинган Низомда Туркистон АССР тузилгани қайд этилди. Ўзбекистон Советларининг 1927 йил 30 мартда бўлиб ўтган 2-қурултойида Ўзбекистон ССРнинг қабул қилинган биринчи Конституциясида Ўзбекистон ҳудудида пролетариат диктатураси ўрнатилганлигини қонунийлаштирди. 1936 йил 5 декабрида СССР Советларининг фавқулодда VIII съездида СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Бу Конституция СССРда социалистик жамият асосларини қурилганлигини таъкидлади. Бу ҳолатлар Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш киритилишига сабаб бўлди. Натижада Ўзбекистон ССР Советларининг фавқулодда VI съездида Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Ўзбекистон ССРнинг 1927 йил ва 1937 йиллардаги конституцияларида унинг "иттифоқдош республика" статуси белгилаб қўйилди. Бу "статус" кўпгина ҳолларда декларатив мазмун касб этган бўлишига қарамасдан, Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқи доирасида мавжуд бўлиши ва ривожланишига қонуний тус берди.

2. Методлари:

Ушбу мавзу доирасида илмий муаммога цивилизация, тарихийлик ва холисона ёндошув орқали октябр тўнтариллишига маҳаллий аҳолининг муносабати кўрсатилди. Ўзбекистон ССР Конституцияларида қайд этилган совет бошқарув тизими, давлат қурилиши ва маъмурий ҳудудлар баён этилган. Шунингдек, конституцияларда умуминсоний кадрларни бузилиш ҳолатлари қайд этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган советлар тузумининг моҳияти унинг конституцияларида акс этади. Советлар ҳукмронлигининг илк йиллари, инқилобий ғоялар амалиётининг тарихий тажрибаси советлаштириш сиёсатининг моҳиятини очиб беради. XX асрнинг энг катта ижтимоий воқелигидан бири социал инқилобларни амалга оширилиши бўлди. Бу асрда дунёнинг жуда катта қисмида инсоннинг эрки, озодлиги ва шаънининг дахлсизлиги ғояси тантана қилди, унинг ташаббускорлиги ва тadbиркорлиги учун кенг йўл очилиб, одамлар ўз меҳнати билан муносиб ҳаётни таъминлашга эришдилар. Бу халқлар бутун XX аср давомида демократик жамият қурдилар, шунга интилдилар.

Айни пайтда дунёнинг бошқа бир қисмида мавҳум ғояларни амалга ошириш учун бир неча авлоднинг умри сарфланди, бироқ ваъда қилинган тўкинлик борган сари узоқлашиб борди, жамият таназзулга юз тутди. Бу мамлакатларда ҳокимиятга эгалик қилишнинг легитимистик асослари бузилди, шахсий ҳокимиятларини чексиз мустахкамлашга интилдилар, қолаверса классик марксча ғоялардан ҳам анчагина чекинилди, натижада тоталитар тузумлар барпо қилинди. Аммо халқнинг фидокорона меҳнати, юқоридаги ғояларга сидқидилдан ишонган инсонлар томонидан тараққиётнинг бир поғона юқорисига кўтарилганлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Советлар тузумининг сўнгги йилларига келиб, яъни XX асрнинг 80 йилларида қандай социализм қурилди, октябр инқилобими ёки октябр тўнтариллишими деган саволлар аниқ жавоб топа олмади. Октябр тўнтариши ҳақида замонавий тарихшунослик ўзида кўплаб зиддиятли, қарама-қарши қарашларни жамлаган. 1917 йил Октябр тўнтариллишини совет мафкураси анъанавий марксча формула билан тушунтиришга ҳаракат қилди: "юқори бошқара олмай қолди - қуйи бўйсунилди ҳохламади".

Октябрь тўнтариши Россия империясининг мустамлакаларига қандай таъсир

кўрсатди деган масала муҳим тарихий муаммолардан биридир. Сабаби социал инқилоб учун муҳим компонентлар: онгли ишчилар синфининг мавжудлиги, сиёсий курашларда чиниққан сиёсий партиялар, асосий халқ оммасини ўз томонига оғдирувчи шиорлар ва доктриналарнинг мавжудлиги ва ҳоказо жиҳатлар бўлиши лозим эди. Аммо буларнинг бирортаси мустамлакаларда мавжуд бўлмади.

1917 йил ноябр ойининг бошида большевиклар фақатгина қурол кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳокимиятни қўлга киритишди. Бу ҳолни архивларда сақланиб қолган ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатларда қуйидагича фикр эътироф этилади: "Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб келди ва бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Чоризм томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдор ва хизматчи унсурлардан ташқари ҳатто рус темир йўлларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошидан оқ совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолининг қолган катта қисми учун бу гоёлар бегона ва тушунарсиз эди" [1].

Большевиклар, юқорида айтиб ўтилганидек, пролетариат "манфаатлари"дан келиб чиқиб сиёсат юритдилар. Ўлкадаги янги режим чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатидан ошиб тушди. Большевиклар гуруҳи мустамлакачиликка янгича "ранг" берди.

Туркистонда большевиклар сиёсати маҳаллий аҳолини давлат ишларига аралашмасликдан бошлади. 1917 йил 15-22 ноябрда бўлиб ўтган ишчи, солдат ва деҳқон ва депутатларининг III съездида ҳокимият масаласи ҳал этилди. Янги тузилган Туркистон ХКС таркибида бирорта маҳаллий миллат вакиллари иштирок этмади. Бу октябр тўнтаришининг мақсадларини очиб берди. Туркистон зиёлилари, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчилари Қўқон шаҳрида Туркистон Мухторияти ҳукуматини тuzдилар. Аммо большевиклар уни тан олмай, минглаб маҳаллий аҳоли умрига зомин бўлган ҳолда Туркистон Мухториятини тугатдилар.

1918 йил 20 апрель - 1 майда бўлган Туркистон ўлка Советларининг 5-съездида Туркистон Совет Республикаси (расмий ҳужжатларда: Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси - қисқача ТСР) ташкил топди. Совет ҳокимияти Туркистон ўлкасини Совет Россияси таркибидаги республика деб эълон қилгач, минтақа совет давлати таркибига кирганлиги "қонуний йўл" билан расмийлаштирилди.

Советлар съездида қабул қилинган Низомни фақат ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш, яъни республика "конституцияси" ни қабул қилиш муҳим вазифа эди. Бу 1918 йил 5-14 октябрда бўлган Туркистон Республикаси Советларининг фавқулодда VI съездида амалга оширилди. Унда Россия Социалистик Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. ТСР конституцияси аслини олганда 1918 йил 10 июнда Бутун Россия Советларининг II съездида қабул қилинган биринчи совет конституцияси - РСФСР конституциясининг андозаси эди.

Туркистон Республикаси Конституцияси биринчи марта Россия Федерацияси билан Туркистон Республикаси ўртасидаги ҳуқуқ ва ваколатларни белгилади. Конституциянинг 3-бўлим 7-боб 3-параграфи иловасида ёзилишича, "мудофаа, ташқи алоқалар, почта-телеграф, денгиз ишлари, темир йўллар, божхона, савдо-сотиқ, саноат ва молия масалалари федерал ҳукумат бошқарувида қолдирилди" [2].

Бироқ большевиклар партияси, совет Россияси ва Марказдаги сиёсий доиралар

учун Туркистонга автономия берилиши ва бу Конституциянинг қабул қилиниши ўзига хос муҳим воқеага айланди. Биринчидан, большевиклар ва совет Россиясининг Туркистон ўлкасидаги сиёсий ҳукмронлиги ўлкада совет автономиясининг ўрнатилиши билан йўлга қўйилди. Иккинчидан, Туркистон Республикасида давлат бошқаруви асосий функцияларининг Россия федерал ҳукумати ихтиёрига топшириши конституция қабул қилиниши билан ҳуқуқий асосда "қонуний" расмийлаштирилди.

Туркистон Советларининг IX-съезди (1920 йил 19-25 сентябр)да қабул қилинган янги конституцияга кўра, ТССРнинг номи Туркистон Совет Социалистик Республикаси (ТССР) деб ўзгартирилди. Икки йил олдин қабул қилинган Конституциядан фарқли ўлароқ янги конституцияда ТССР ва РСФСР органлари ўртасидаги компетенция аниқ белгиланди. Бу ҳолат конституциянинг 3-бўлим, 26-моддасида қуйидагича кўрсатилади:

"А. Фақат федерал ҳокимият компетенциясига кирувчилар;

- а) ташқи муносабатлар бўйича ишлар,
- б) ташқи савдо,
- в) ҳарбий ишлар.

Б. РСФСР федерал ҳокимиятининг темир йўллар, почта ва телеграф бўйича чиқарилган барча декрет ва буйруқлари механик равишда Туркистон Совет Социалистик Республикаси ҳудудида амал қилади [3].

Туркистон АССРда социалистик давлатчиликнинг конституциявий расмийлаштирилиши ўлкани советлаштиришга янги туртки берди. Айнан ана шу советлаштириш минтақани келгусида қарам республикага айланишига конституциявий асос қўйди. Марказ манфаатлари Марказнинг ваколатли ташкилотлари томонидан амалга оширилди. Бундай шароитда ВКП(б) раҳбарияти, бир томондан, Туркистон АССРда тизимли марказлаштириш сиёсатини юритди, иккинчи томондан, минтақанинг назорат остига олинмаган ҳудудлари бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига нисбатан ўз ҳарбий босқинини бошлашга катта куч-ғайрат сарфлашга киришди. Бу икки мустақил давлатга қарши ҳарбий ҳаракатлар 1920 йилда авж олдирилди.

Бу ҳаракатларнинг жадаллаштирилиши оқибатида Хива хонлиги (1920 йил 1 феврал) ва Бухоро амирлиги (1920 йил 2 сентябрь) қизил армия томонидан тугатилди. Ҳар икки ўзбек хонликлари ҳудудида халқ ҳокимияти ўрнатилиб, большевиклар таъсиридаги Ёш хиваликлар ва Ёш бухороликлар ҳукумати ҳокимият тепасига келди. Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920 йил апрель) ва Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920 йил октябрь) тузилганлиги расмий равишда эълон қилинди.

Хоразм Республикасида 1920-1923 йилларда қабул қилинган тўртта конституция, бир томондан, асрлар давомида сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум бўлган Хоразм аҳолисига ана шундай ҳуқуқларни берган бўлса, иккинчи томондан, барча ҳуқуқ ва эркинликлар "совет қонунлари" доирасида амалга оширилишини таъминлади. ХХСР конституцияларининг асосида 1918 йил июлда РСФСРда қабул қилинган биринчи совет конституциясининг асосий мазмуни ётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бухоро Республикасида 1921-1922 йилларда қабул қилинган иккита конституция ва унга киритилган ўзгартиришлар худди ХХСР Конституцияси сингари Туркистон АССР ва РСФСР нинг Асосий Қонунидан андоза олинган ҳолатда яратилди. БХСР Конституциясида мавжуд бўлган кўп моддалар декларатив хусусиятга эга

бўлиб, бу ҳолат сиёсий жараёнларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бухоро ва Хоразм республикаларининг конституциялари "мустақил давлат"нинг асосий қонуни бўлишига қарамасдан, бу ҳужжатлар большевиклар ва Совет Россияси раҳбариятига минтақани советлаштириш жараёнига "ҳуқуқий асос" яратиб берди.

Ҳар уч республика ҳам совет андозасидаги Низом, Конституциялар ҳамда шартномалар, большевиклар партиясининг дастурлари жорий этилдики, натижада РСФСРга қарам минтақа хисобланар эди. 1922 йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ташкил топгач, совет давлати таркибига РСФСР орқали Туркистон АССР ҳам кириши конституцион мақомга эга эди. Бу пайтда Бухоро ва Хоразм республикалари "мустақил давлат" сифатида мавжуд бўлган. Бу конституция 1924 йил 31 январда Советларнинг Бутуниттифоқ II съездида узил-кесил тасдиқланди [4]. СССР Конституцияси текстига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этиш ҳақидаги Декларация ва Шартнома матнлари киритилди [5].

Конституцияга биноан, Бутуниттифоқ Советлар съезди СССРнинг олий ҳокимият органи бўлиб, съездлар орасидаги даврда олий ҳокимиятни икки палата: Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан иборат СССР Марказий Ижроия Комитети амалга оширади. СССР МИКнинг ижро қилувчи ва фармойиш берувчи органи СССР Халқ Комиссарлари Совети эди.

СССР Конституциясига кўра, ҳар қайси иттифоқдош ва автоном республика ўзининг "мустақил" конституциясини сақлаб қолиши ва унга ўзгартириш киритиши мумкин эди. Ҳар қайси иттифоқдош республиканинг СССРдан ажралиб чиқиш ва унга кириш "ҳуқуқи" эътироф этилди. Бироқ "мустақил" республикалар конституцияси ва уларнинг "ҳуқуқ"лари фақат декларатив характерга эга бўлиб, СССР амалда унитар давлат сифатида ҳокимиятнинг тоталитар авторитар усулида бошқарилган.

"Партия диктатураси" сиёсатини амалга ошириш ва ҳокимиятнинг янги механизмини мустаҳкамлаш СССРни ташкил этилиши билан бир вақтда кечди. Бу бир жараённинг икки томони эди. "СССР" номли унитар марказлашган давлатнинг ташкил топиши билан барча республикалар тўғридан-тўғри марказий иттифоқдаги органлар бошқарувига тушиб қолдилар. Партия юқори табақасининг кўрсатмалари миллий республикалар компартияси МКлари учун мутлақо мажбурий тусга эга эди.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва унинг СССР таркибига кириши билан минтақада совет давлатчилигининг янги босқичи бошланди. Ўзбекистон ССРда 1925 йилдан бошлаб Совет Иттифоқи таркибига кирган 6 та "иттифоқдош республика" нинг бири сифатида республикада социалистик жамият асосларини қуриш давом эттирилди. Янги ташкил топган "иттифоқдош республикалар"нинг статуси, уларни қандай асосларда СССРга кириши ва ундан ажралиб чиқиши энг аввало қонуний йўл билан расмий ҳужжатларда, Иттифоқ ва республика конституцияларида ўз аксини топди.

Ўзбекистон ССР Советларининг II қурултойи (1927 йил 22-31 март, Самарқанд)да Ўзбекистон ССРнинг биринчи конституцияси 30 март куни қабул қилинди. 1927 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституцияси 8 бўлим, 17 боб ва 114 моддадан иборат бўлган. Конституцияда ёзилишича, республикада ҳокимиятнинг энг юқори органи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари Советларининг Бутун Ўзбек қурултойи бўлиб, қурултойлар оралиғида Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси,

унинг сессиялари орасида МИК Президиуми ҳисобланган.

Ўзбекистон ССР МИК томонидан ижро қилувчи ва тақсимловчи олий орган - Халқ Комиссарлари Совети (Ўз ССР ХКС) тузилди.

Конституцияда кўрсатилишича, Ўзбекистон ССР ХКС қуйидаги таркибда ташкил қилинади: Халқ Комиссарлари Совети раиси, раис ўринбосари, Халқ Хўжалиги Олий Совети; молия; савдо-сотик; меҳнат; ишчи-деҳқон назорати; ер ишлари; адлия; маориф; соғлиқни сақлаш; ижтимоий таъминот халқ комиссарлари; Сув хўжалиги бошқармаси раҳбари. Бундан ташқари Марказий статистика бошқармаси бошқарувчиси ва иттифоқ миқёсидаги халқ комиссарларининг вакиллари Марказ томонидан тайинланиб, ЎзССР МИК томонидан тасдиқланади [6].

Совет жамиятининг ҳамма соҳаларини ўзига қамраб олган қатағонлар жараёнида - 1936 йил 5 декабрида СССР Советларининг фавқулодда VIII съездида (1936 йил 25 ноябрь - 5 декабр)да СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. "Сталин Конституцияси" деб ном олган бу Конституция совет даври тарихий адабиётларида галаба қозонган социализм Конституцияси деб ҳам номланади. Бу Конституция СССРда социалистик жамият асосларини қурилганлигини таъкидлади. 1937 йил 12 декабрда биринчи марта янги сайлов тизимига биноан СССР Олий Советига сайлов ўтказилди. 1938 йил январда СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўтказилди.

Бу ҳолатлар Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш киритишга олиб келди. Ўзбекистон ССР Советларининг фавқулодда VI съезди (1936 йил 15-18 ноябрь ва 1937 йил 12-14 феврал) 1937 йил да 14 феврал куни Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. 1937 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституциясига кўра, қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳуқуқи Олий Советга берилди. Олий Совет сессиялари оралиғида эса қонунчилик ишлари билан унинг Президиуми шуғулланди. Олий Совет томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қонун ҳисобланган [7].

Ўзбекистон ССРнинг бу Конституцияси ҳам СССР Конституцияси андозасида қабул қилинди. Конституцияда суд ва прокуратура идоралари тизими, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари биринчи марта ўз ифодасини топди. Бу ўзгартиришларга кўра, совет ҳокимиятининг вакилларига қарши қаратилган, шунингдек, террористик актлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд ва прокуратура органларига қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

- а) терговни 10 кундан ошиқ бўлмаган муддатда тамомлаш;
- б) айблов хулосасини ишни судда кўриб чиқишдан фақат бир сутка олдин топшириш;
- в) жиноят ишини айбланувчи ва ҳимоячининг иштирокисиз кўриб чиқиш, айбланувчининг суд мажлисида қатнашиши мажбурий эмас;
- г) ҳукми кассация тартибида шикоят қилиш ва авф этишни сўраб, ариза беришга йўл қўймаслик;
- д) олий жазо тайинлаш ҳақидаги ҳукм чиқарилгандан сўнг уни дарҳол ижро этиш [8].

Бошқача қилиб айтганда, айбланувчи ўз айбини билиш ҳуқуқи, далиллар тақдим қилиш, тергов ва суд органларининг ҳаракатлари устидан шикоятлар бериш, ҳимоячига эга бўлиш каби процессуал ҳуқуқлардан маҳрум эди. Булардан ташқари Партия Марказий Комитетининг кўрсатмалари асосида юзлаб йўриқ хатлар (инструкциялар) тўлдирилиб, қонунчилик ва уни амалда қўллаш ўзгартирилиб

турилди [9 Хамидова М].

Ўзбекистон ССР нинг 1937 йилдаги Конституциясининг 2-бўлими давлат қурилиши ҳақида бўлиб, унинг 14-моддасида қуйидаги маъмурий ҳудудлар Ўзбекистон ССР таркибида бўлиши кўрсатилди:

Қорақалпоғистон АССР; Хоразм округи (9 та район); Қашқадарё округи (9 та район); Сурхондарё округи (7 та район); республикага бўйсунувчи районлар (71 та); миллий районлар: Қозоқ-Қорақалпоқларнинг Юқори Чирчиқ, Казак ва Конимех районлари; алоҳида шаҳарлар (24 та) [10].

4. Хулосалар.

Совет ҳокимияти йилларида қабул қилинган Туркистон АССР, БХСР, ХХСР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларида Марказнинг ҳукмрон роли ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилди. Бундай ҳолат бу даврда Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Тожикистон АССР ва Қорақалпоғистон АССР Конституцияларига ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон ССР нинг 1927 йил ва 1937 йиллардаги конституцияларида унинг "иттифоқдош республика" статуси белгилаб қўйилди. Бу "статус" кўпгина ҳолларда декларатив мазмун касб этган бўлишига қарамадан, Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқи доирасида мавжуд бўлиши ва ривожланишига қонуний тус берди. Сиёсий ҳокимият эса коммунистик партия қўлида бўлиб, республикалардаги биринчи котиблар КПСС МК Сиёсий бюроси Кремлда чиқарадиган қарорларни бажаришга мажбур қилинган эди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Safarov G. Colonial revolution (The Experience Of Turkestan). - Moscow: Gosizdat, 1921.- p.50 (Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). - Москва.: Госиздат, 1921.- С.50)

2. The central state archive of Uzbekistan, Fund 17, List 1, case 39, pages 17-18 (Ўзбекистон Миллий Архиви, 17-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 17-18-варақлар).

3. Constitution (Basic Law) of the Uzbek Soviet Socialist Republic // Congresses of Soviets in documents. 1917-1937 gg. Collection of documents in seven volumes. Vol. VII. Congresses of Soviets of the Union and Autonomous Soviet Socialist Republics of Central Asia. Collection of documents 1923-1937-Moscow: Law literature, 1965. - p. 118-139. (Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики // Съезды Советов в документах. 1917-1937 гг. Сборник документов в семи томах. Т.VII. Съезды Советов союзных и автономных Советских Социалистических Республик Средней Азии. Сборник документов 1923-1937 гг. - Москва: Юридическая литература, 1965. -С. 118-139).

4. History of the Tajik people. Vol. II. Modern history (1917-1941). - Dushanbe, 2004. - p. 387 (История таджикского народа. Т.II. Новейшая история (1917-1941 гг.). - Душанбе, 2004. - С. 387).

5. The history of the Tajik people. T.V. - p. 478-479 (История таджикского народа. Т.V. - С. 478-479).

6. Constitution (Basic Law) of the Tajik Autonomous Soviet Socialist Republic // Congresses of Soviets in documents. 1917-1937 The collection of documents in seven volumes. T.VII. - p.674-693 (Конституция (Основной Закон) Таджикской Автономной Советской Социалистической Республики // Съезды Советов в документах. 1917-1937 гг. Сборник документов в семи томах. Т.VII.-С.674-693).

7. Karakalpakstan from the second half of the XIX century to the XXI century. - Nukus: Karakalpakstan, 2003. - p. 214-215. (Қарақалпақстан XIX эсирдин еккинши ярымынан XXI эсирге шекем. -Нукус: Қарақалпақстан, 2003. -б. 214-215).
8. Constitution (Basic Law) of the Uzbek Soviet Socialist Republic. -Т., 1937. -р.17. (Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. -Т., 1937. -С.17).
9. Hamidova M. History of the state and law of Uzbekistan. -Tashkent, 2004. -p. 179 (Хамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. -Тошкент, 2004. -Б. 179).
10. Congresses of Soviets in documents. 1917-1937 Collection of documents. Т.VII. Congresses of Soviets of the Union and Autonomous Soviet Socialist Republics of Central Asia. - Moscow: Legal literature, 1965. - p. 281-284. (Съезды Советов в документах. 1917-1937 гг. Сборник документов. Т.VII. Съезды Советов союзных и автономных советских социалистических республик Средней Азии. - Москва: Юридическая литература, 1965. - С. 281-284).



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№4 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000